

**CLASSIFICATION OF THE CAUSES OF UNFOUNDED LOSS OF WORKING  
DETERMINATION IN DETERMINING THE LABOR EFFICIENCY OF  
ENTERPRISES PROVIDING CONSTRUCTION SERVICES**

H. A. Karzhavova

teacher of SamSU

**Abstract:**

The article examines the organization of construction services and increasing productivity as a result of ensuring labor productivity in construction companies.

**Keywords:** construction services, labor productivity, labor force, working hours, labor resources, efficiency

Бугунги кунда курилиш хизматлари юртувчи корхоналар олдида меҳнат самарадорлигини ошириш ва бунинг учун меҳнат унумдорлигини тубдан кўтариш, курилиш муддатларини қисқартириш, қурилиш маҳсулоти сифатини ошириш масалалар энг долзарб масалалардан ҳисобланади. Бу масалалар ечими кўплаб қурилиш иштирокчиларига боғлиқ, лекин охирги натижага ишлаб чиқариш доирасида - қурилиш майдончаларида кўп сонли қурилиш ташкилотларининг кўп сонли бўлинмалари фаолияти жараёнида эришилади. Бу эса ўз навбатида қурилиш бригадалари ва участкаларини бошқаришнинг нақадар мухимлигини кўрсатади. Бу вазифани чизиқли муҳандис техник ходимлар бажаради. Уларнинг асосий вазифаси лойиҳаларни ишлаб чиқариш жараёнларини бошқариш асосида тайёр қурилиш маҳсулотини-бино ва иншоатларга айлантиришdir. Бунинг учун улар ишчилар жамоасига бошқарув таъсирини ўтказади, уларнинг ташкилотчиси ва тарбиячиси ҳисобланади. Қурилиш участкаларининг фаолият самарадорлиги энг аввало унинг ички хўжалик механизми бошқарувини такомиллаштириш билан боғлиқ. Бу масаланинг асосий мазмуни шундан иборатки ички хўжалик механизмини бошқариш кўпроқ мустақилликни, иқтисодий бошқарув усулларига асосланишни, ишчилар меҳнатини кўпроқ рағбатлантиришни, меҳнат шароитини яхшилашни тақозо этади.

Участкалар фаолияти самарадорлигини таъминлашдаги яна бир омил бу ишчиларнинг иш вақтларидан унумли фойдаланиш мақсадида унинг асосиз йўқотилиш сабабларини аниқлаш ва уларни камайтириш учун маълум тадбирлар тузишдан иборатdir. Бунинг учун ишчиларнинг иш вақтларини асосиз йўқотилиш сабаблари классификатцияланади

ва уларнинг резерв ҳосил қиласидиган қисми аниқланади. Бу эса қўшимча иш вақтларини пайдо қиласди.

Ишлаб чиқариш жараёнини бошқариш асосида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ётади. Унда тўғри рационал фойдаланиш бутун ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлайди муҳим рол ўйнайди. Шунинг учун ҳар қандай ишлаб чиқариш жараёнида меҳнат ресурсларига бўлган талабни, унинг сифатлилигини аниқлаш зарурдир. Катта ва кичик, тижорат ва нотижорат, саноат ва хизмат кўрсатиш корхоналарининг барчаси учун инсонларни бошқариш жуда муҳим аҳамиятга эга. Одамларсиз ташкилот ҳам йўқ. Кераксиз одамларсиз ҳеч бир ташкилот ўз мақсадига эриша олмайди, ва яшай олмайди. Меҳнат ресурсларини бошқариш шубҳасиз бошқариш назарияси ва амалиётининг асосий муҳим томонларидан ҳисобланади.

Хозирги замон қурилиш ишлаб чиқариш жуда мураккаб жараён бўлиб, унинг маҳсулоти жуда кўп қатнашчилар фаолиятининг натижаси ҳисобланади. Аммо уларнинг ичида қурилиш ташкилотларининг ҳиссаси анча юқори. Шунинг учун ҳам қурилиш бўлинмалари захира ҳосил қилувчи асосий қатнашувчилар ҳисобланади.

Ишчи вақтларининг асосиз йўқотишидан захира ҳосил қилувчи қисмини аниқлаш қўйидаги кетма-кетлигига амалга оширилади:

- иш вақти йўқотилишининг ҳар бир тўғри бўйича келтириб чиқарадиган сабаблар аниқланади;

- иш вақтини йўқотишининг сабаблари, уларни қурилиш ташкилоти кучлари билан йўқотиш белгисига қараб йўқотилмайдиган ва йўқотиладиган турларга классификация қилинади. Асоссиз йўқотилган иш кунларини камайтириш орқали қурилиш ташкилоти қўшимча ишлаб чиқариш имконятига эга бўлади.

Иш вақтининг йўқотишининг захира ҳосил қилувчи қисми қўйидаги формула орқали аниқланади:

$$\Pi_0^P = \sum_{i=1}^n \sum_{j=1}^m \Pi_{ij} * K_{ij} \text{ ишчи куч.}$$

бунда:

$\Pi_{ij}$  -  $j$ - сабабга кўра  $i$  турдаги йўқотиши, ишчи кун;

$K_{ij}$  -  $j$ -сабабга кўра  $i$  турдаги йўқотиши миқдорини қурилиш ташкилоти томонидан бартараф этиш мумкинлиги даражасини ифодаловчи коэффицент;

$n$ - иш вақтини йўқотиши турлари сони ( $n=1, 2, \dots, i$ );

$m$ - мос турлари бўйича иш вақтини йўқотиши турлари сони ( $m=1, 2, \dots, j$ )

Иш вақтіни йүқотиши даражасини ифодоловчи  $K_{ij}$  коэффицент миқдори иккекіндеңін көбінесе ассоциацияның мөндерін табағанда  $K_{ij} = 1$  га тең болады.

Иккінчисінде  $K_{kj}$  қисман йүқотиши мөндерін табағанда  $0 < K_{kj} < 1$  га тең болады.

$K_{ij}$  коэффициенттің мөндері ҳар бир турдаги йүқотишилар түри бүйича мос сабабларга күра эксперт баҳоси бүйича аниқланады. Бу усульнің құлланилишига сабаб хисобға олиш хужжаттарининг етарлық әмаслигидады.

Эксперт баҳоси қуйидеги түрттә кетма-кет бажарылады: операциялар орқали аниқланады:

- эксперт гурухини шакиллантириш;
- эксперт суровлари учун анкеталарни ишлаб чиқиши;
- эксперт сўрови;
- анкета суровларини қайта ишлаш.

Эксперт сифатида қурилиш ташкилоти раҳбари, бўлим бошлиқлари иштирок этиши мумкин. Қурилиш ташкилоти умумий ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини оширишнинг асосий йўлларидан бири ишчиларнинг иш вақтларини юқотишини қисқартириш тадбирларини ишлаб чиқищдан иборатдир. Бунинг учун энг аввало қурилиш ташкилотида юқотилган иш вақтини йүқотиши кўрсаткичларини таҳлил қилиш керак. Иш вақтини йүқотишишининг жуда кўп сабаблари бор. Бу қўйидаги жадвалда келтирилган.

Қурилиш ташкилотида иш вақтларининг йүқотиши статистик маълумотлар орқали аниқланады.

Бунда бошлиғич маълумот бўлиб меҳнат; иш вақти фотографияси ва конкрет ижтимоий йўналишлар ҳисоблари хизмат қиласы.

## 1-жадвал

### **Иш вақти йүқотишишининг сабаблари таснифлаш**

Иш вақтінинг юқотиши	Иш вақтінинг йүқотишишининг сабаблари
<b>Смена ичидаги йүқотишилар</b>	
Смена ичидаги «Простой» лар	Электроенергиянинг йўқлиги Машиналарнинг носозлиги Керакли машиналарнинг йўқлиги Материал йўқлиги Иш фронти йўқлиги Фавқулодда ташкилий

**INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL ONLINE CONFERENCE ON  
HUMAN RESOURCES: PROBLEMS, SOLUTION, PERSPECTIVES**

FEBRUARY 11-12, 2021

**JournalNX- A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal**

**ISSN: 2581-4230 | Journal Impact Factor 7.232**

[www.journalnx.com](http://www.journalnx.com)

	Мехнат интизомининг бузилиши
Ортиқча иш а) қайта бажариш ва ишдаги нүқсон	Сифатсиз техник хужжатлар Иш жараёнида лойиханинг ўзгариши Сифатсиз материалларни қабул қилиш Иш технологияси бажарилишининг бузилиши Материаллар, конструкция ва деталларнинг мос эмаслиги Ишчилар айби билан
б) бошқа унумсиз мехнат	Курилиш майдончасида конструкция ва деталларни тўзатиш ва қайта кўриб чиқиши Мехнатни ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш даражасининг пастлиги
Кадрлар қўнимсизлиги оқибатлари	Иш хақининг пастлиги Мехнатни ташкил қилиш даражасининг пастлиги ишчиларни турга ржой билан таъминланманлиги мактабгача болалар муассасалари билан таъминламганлик яшаш жойларининг ўзгариши иш жойларининг ўзоқлиги Ишдан қониқмаслик Мехнат интизомининг бузилиши
Ишга тушириладиган объектларда иш вақти йўқотилиши	Мехнат ресурсларини асосиз концентрациялаш Ишга тушириладиган объектларга қўшимча бригадаларни ўтиши

***Тўлиқ сменали йўқотишлар***

Тўлиқ сменали “Простой”лар	Электр энергиянинг йўқлиги Машиналарнинг носозлиги Керакли машиналар йўқлиги Материаллар йўқлиги Иш фонди йўқлиги Фавкулотда ташкилий Атмосфера шароитлари
Касаллиги туфайли	Оғир қўл мехнатининг мавжудлиги Махсус кийимлар сифатининг ёмонлиги Санитар майший хоналар етишмаслиги

**INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL ONLINE CONFERENCE ON  
HUMAN RESOURCES: PROBLEMS, SOLUTION, PERSPECTIVES**

**FEBRUARY 11-12, 2021**

**JournalNX- A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal**

**ISSN: 2581-4230 | Journal Impact Factor 7.232**

**www.journalnx.com**

Ишлаб чиқаришдаги шикастланишлар ва касб касаллуклари	Санитар гигиения шароитларининг қониқарсизлиги Умумий овқатланишнинг етарлича ташкил этимаганлиги Жисмоний маданиятни ривожлантиришнинг паст даражаси
	Машиналарнинг конструктив қамчилиги Машиналар носозлиги Ишлар технологиясининг бузилиши Иш технологияларининг бузилиши Ишларнинг механизациялашганлик даражаси пастлиги Хавфсиз ишлашга ўргатишдаги қамчиликлар Ишчилардан ўз мутахассислиги бўйича фойдаланмаслик Шахсий техника хавфсизлиги қоидаларини бузиш

Смена ичидағи иш вақтининг йўқотилиши иш куни фотография қилиш орқали аниқланади.бу йўқотишларнинг бутун йил давомидаги миқдори қўйидаги формула орқали аниқланади:

$$\Pi_{cu} = \Pi_{cu}' \cdot N \cdot \text{ЙИФ}, \text{ ишчи кун,}$$

бунда:

$\Pi_{cu}'$  -смена ичидағи бир ишчига туғри келадиган «ПРОСТОЙ» лар, % (ишчи куни фотографияси маълумотига кўра);

N - қурилиш ташкилотидаги йиллик ўртача ишчилар сони, киши.

ЙИФ - иш вақтининг йиллик фонди (ҳақиқий), кунлар.

Ишдан йўл қўйилган нуқсонларни (бракларни) тузатиш учун иш вақтини йўқотиш қўйидаги формула билан аниқланади.

$$\Pi_{\delta} = \frac{V_{\delta}}{K_{\delta} B}, \text{ ишчи куни,}$$

бунда :

$V_{\delta}$  - нуқсон (брак) ҳажми, ҳисоботдан олинади, сўм;

$K_\delta$  - нуқсонни тузатиш оқибатида меҳнат унумдорлигининг камайиш коэффиценти ( $K_\delta = 0,6$ )

В - бир ишчининг ўртача кунлик иш унуми, сўмда.

Бир ишчининг ўртача кунлик иш унуми эса қўйидаги формулада топилади.

$$B = \frac{V}{D}, \quad \text{сўм} / \text{ишичи кун}$$

бунда:

$V$  - йиллик ҚМИ ҳажми, сўм;

$D$  - қурилиш ташкилотида ишчилар томонидан ишланган йиллик ишчи кунлари сони (қурилиш ташкилоти ҳисоботидан олинади).

Бошқа унумсиз меҳнатга йўқотиладиган ишчи вақтнинг йўқотилиши ( $\Pi_{ym}$ ) ишчи кунини фотография қилиш орқали аниқланади. Бу маълумотлар бўлмагандан бу йўқотишлар нуқсонли маҳсулот ҳажмига қараб аниқланади. Бунда нуқсон ҳажми меҳнатнинг 60% ини ташкил этади.

$$\Pi_{ym} = 0,4 \cdot \frac{\Pi_\delta K_\delta}{0,6}, \text{ ишчи куни} .$$

бунда:

0,6 – бошқа унумсиз меҳнат (иш) ҳажмидаги нуқсонли иш миқдори.

0,4 – бошқа унумсиз меҳнат (иш) ҳажми йўқотиладиган иш вақтлари ( $\Pi_{xk}$ ) қўйидаги формуладан аниқланади:

$$\Pi_{xk} = 75 \cdot K_k \cdot N, \text{ ишчи кун}$$

бунда:

7,5 – ишчиларнинг ишдан кетиш арафасида ва ишга келгандан сўнг 2-3 хафта оралиғида меҳнат унумдорлигининг 25-30% га камайиши натижасида ишчи вақтининг йўқотилиш кунлари;

$K_k$  -ишчи кадрларнинг қўнимсизлик коэффиценти;

$N$ - ишчиларнинг рўйхат бўйича йиллик ўртача сони, киши.

Ишга туширилладиган объектларда ( $\Pi_{um}$ ) меҳнат ресурсларини асоссиз концентрация ( $\Pi_k$ ) қилиш ҳам ишчи вқтларини йўқотишга олиб келади. Шу билан бирга уларни бир жойдан иккинчи жойга ташлашда ҳам ишчи вақтлари йўқотилади ( $\Pi_\ddot{u}$ ).

$$\Pi_{um} = \Pi_{\kappa} + \Pi_{\bar{u}}, \text{ ишчи кун}$$

$$\Pi_{\kappa} = \sum_{i=1}^n (N_{um} - N_i) \times t$$

ишчи кун

Бунда:

$n$  - йил давомида ишга тушириладиган объектлар сони;

$N_{um}$  - оқимнинг лойиха бўйича ёйилиш даврида  $i$ -объектдаги ишчилар сони;

$N_i$  - объектнинг ишга тушириш давридаги ишчилар сони.

$t$  - қурилишнинг ишга тушириш даври, кунларда.

$N_{um}$  ва  $t$  эксперт баҳолаш усули орқали аниқланади.

Юқорида келтирилган формулалар қурилиш ташкилотида ишчиларнинг иш вақтлари йўқотилишини таҳлил қилишга ёрдам беради. Бунда ишчиларнинг касаллиги оқибатида ишчи вақтларини йўқотишлар меҳнат режасининг бажарилишининг йиллик ҳисботи бўйича аниқланади. Ишчи вақтларини шикастланиш орқали ва касб касалликлар натижасида йўқотиш меҳнат режасининг бажарилиши ҳисботидан олинади. Ишчи сабабсиз келмаслик (прогул), маъмурият рухсати билан берилган таътиллар, жамоат ишини бажариш натижасида ишчи вақтларни йўқотишлар йиллик ҳисботдан олинади. Бу ҳисботлар орқали аниқланган иш вақтларини йўқотишлар жамлаш натижасида уларнинг умумий йиғиндиси топилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947 сонли Фармони. // “Халқ сўзи”, 8 феврль 2017 йил.
2. К.Абдурахмонов “Меҳнат иқтисодиёти” дарслик Т:”Меҳнат”, 2004.-274б.;
3. М.Пардаев, Ж.Истроилов, А.Гаппаров. “Хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий таҳлилни такомиллаштириш муаммолари”. Рисола. Самарқанд. “Зарафшон”, 2009. - 66 б.;
4. Ё.Абдуллаев “Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари”. -Т.: «Меҳнат», 2002. – 215 б.
5. М.Пардаев, Б.Абдукаримов Сервис ривожи – аҳолининг бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини ошириш омили. Рисола. Т.: «Fan va texnoloqiya», 2007. – 28 б.;
6. И.Очилов “Хизмат кўрсатиш корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари” Автореферат, Самарқанд 2010 йил.